

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА №17441

Тошкент ш.

2022 йил "27" 04

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти "YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA" давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритиладиган "ALLIANCE BIZNES PROJEKT" масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш кўрувчи директор Л. Ким иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда "Тарафлар" деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 25-апрелдаги 69075-сонли танлов натижаларига кўрамазкур шартномани, кейинги ўринларда "шартнома" деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи "Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, «Халқабог» МФЙ ҳудудидаги 532-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш (АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)" объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари;

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 166 602 000 (бир юз олтмиш олти миллион олти юз икки минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга катнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларикамчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатларива бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча кидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича ҳулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иктисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни

амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти "YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
KOMPANIYA" ДУК

Юридик манзили: У ДБ г. Ташкент
100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,
16а-уй.

302021860262777098801251014



Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

Директор

БАЖАРУВЧИ

"ALLIANCE BIZNES PROJEKT" МЧЖ

Адрес: г. Ташкент, ул. Сароймулкхоним д.9

Телефон: +99897 702-58-20

Р/с: 2020 8000 4050 5506 7001

АИКБ «Ипак йули» ф-л «Сағбан» г.Ташкент

МФО 01036

ИНН 306 268 714 ОКЭД – 71 110



Ким Л.А.

Handwritten signatures and notes at the bottom of the page.

“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимияти

“ЯБХ” ИК директори в.б.

Комиссия раиси

Р.У. Кучкаров



«27» 04 2022й.

Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, “Халкабоғ” МФЙ худудидаги 532-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш. (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда).” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов

комиссияси йиғилишининг

БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сағдиев	-Бош муҳандис в.б.
Ш. Қодиров.	-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи
Ҳамидов О.	-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи
Турсунов З.	-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)
Абдусатторов П.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси
Абдунабиев А.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, “Халкабоғ” МФЙ худудидаги 532-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш. (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда).” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сағдиев, Ш. Қодиров, О.Ҳамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 13 апрел куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 69075 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “ALLIANCE BIZNES PROJECT” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 25 апрелдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, “Халқабоғ” МФЙ ҳудудидаги 532-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш. (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда).” объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “ALLIANCE BIZNES PROJECT” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари.




С. Сағдиев



Ш. Қодиров



О. Хамидов



П. Абдусатторов



А. Абдунабиев

№/р	Объектлар номи ва мазмун	Қўрилмиш бошланғич ва фазадаги топшириш йили	Лойiha қўрилмиш йили	Объектнинг устуворлиги (шартнома шартлари) жумладан, бериладиган бонус ва харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими шартлари бўлиши харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими шартлари бўлиши харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими шартлари бўлиши харажатлари	2022 йилда фойдаланишга топширилган					01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими шартлари бўлиши харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими шартлари бўлиши харажатлари	Экспертиза ҳужжатлари ва шартлари	Тендер (шартнома) лойиҳасига бўйича бевосита рақамли ва шартлари	Ташкилот номи	
								Жами капитал қўрилмишлар		шў жумладан		Қўрилмишлар						Объект
								Кўричилик монтаж ишлари	Жикоз	Бунёдотчи бошла харажатлари	Жами							
1		2																
7	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, "Бог'иқалъа" МФЙ ҳудуддаги 267-сонли МТТ биносини мураббаж таъмирлаш	2022й	Объект					152,175		152,175	Объект						Тендер	
8	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Баҳодир" МФЙ ҳудуддаги 64-сонли МТТ биносини мураббаж таъмирлаш	2022й	Объект					88,504		88,504	Объект						Тендер	
9	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Баҳодир" МФЙ ҳудуддаги 175-сонли мастиб биносини мураббаж таъмирлаш	2022й	Объект					268,000		268,000	Объект						Тендер	
10	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Янги Қўйлик" МФЙ ҳудуддаги 183-сонли МТТ биносини мураббаж таъмирлаш	2022й	Объект					212,500		212,500	Объект						Тендер	
11	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Янги Қўйлик" МФЙ ҳудуддаги 126-сонли МТТ биносини мураббаж таъмирлаш	2022й	Объект					212,500		212,500	Объект						Тендер	
12	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Янги Қўйлик" МФЙ ҳудуддаги 125-сонли мастиб биносини мураббаж таъмирлаш	2022й	Объект					388,000		388,000	Объект						Тендер	
13	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Янги Қўйлик" МФЙ ҳудуддаги 1-сонли бағчалар ва ўсимлар спорт мактаби биносини мураббаж таъмирлаш	2022й	Объект					239,008		239,008	Объект						Тендер	
14	Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, "Шоён-Шуҳрат" МФЙ ҳудуддаги 299-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					230,008		230,008	Объект						Тендер	
15	Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, "Шоён-Шуҳрат" МФЙ ҳудуддаги 15-сонли мактаб биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					199,000		199,000	Объект						Тендер	


№	Түр	3	4	5	6	7	8	2022 йилда ўзун капитал кўрсаткичлари				2022 йилда фойдаланишга топширилган		17	18	19	20		
								9	10	11		12	13					14	15
										Жангил	Жисот								
		Жангил капитал кўрсаткичлари	Куршил - монтаж ишлари	Бюджетнинг бошқа харajatлари	Жангил харajatлари	Жисот харajatлари	Асосий фонд суммаси	Кўрсаткичлар	01.01.22 й. ҳолатига йилда ўтказилган объект қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилда ўтказилган объект қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилда ўтказилган объект қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилда ўтказилган объект қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилда ўтказилган объект қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилда ўтказилган объект қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилда ўтказилган объект қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилда ўтказилган объект қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилда ўтказилган объект қолдиқ қиймати		
1		2																	
16	Тошкент шаҳар, Олмаоту тумани, "Чустий" МФЙ ҳудудидagi 298-сонли умумтаълим мактаб биносини муҳимлаш таъмирлаш	2022й	Объект					466,000			466,000	Объект						Тошкент шаҳар, Олмаоту тумани, "Чустий" МФЙ ҳудудидagi 298-сонли умумтаълим мактаб биносини муҳимлаш таъмирлаш	
17	Тошкент шаҳар, Олмаоту тумани, Чустий МФЙдан жойлаштирилган 168-сонли ДМТТ ни реконструкция қилиш	2022й	Объект					212,500			212,500	Объект						Тошкент шаҳар, Олмаоту тумани, Чустий МФЙдан жойлаштирилган 168-сонли ДМТТ ни реконструкция қилиш	
18	Тошкент шаҳар, Сергели тумани, "Носалиўрон" МФЙ ҳудудидagi 276-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш	2022й	Объект					52,710			52,710	Объект						Тошкент шаҳар, Сергели тумани, "Носалиўрон" МФЙ ҳудудидagi 276-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш	
19	Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Ўқима Чокон ота" МФЙ ҳудудидagi 252-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					200,000			200,000	Объект						Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Ўқима Чокон ота" МФЙ ҳудудидagi 252-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш	
20	Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Тилсимқобул" МФЙ ҳудудидagi 386-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					137,014			137,014	Объект						Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Тилсимқобул" МФЙ ҳудудидagi 386-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш	
21	Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Тилсимқобул" МФЙ ҳудудидagi 388-сонли МТТ биносини муҳимлаш таъмирлаш	2022й	Объект					141,512			141,512	Объект						Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Тилсимқобул" МФЙ ҳудудидagi 388-сонли МТТ биносини муҳимлаш таъмирлаш	
22	Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Тилсимқобул" МФЙ ҳудудидagi 4-сонли мактаб биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					549,878			549,878	Объект						Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Тилсимқобул" МФЙ ҳудудидagi 4-сонли мактаб биносини реконструкция қилиш	
23	Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, "Қаторғол" МФЙ ҳудудидagi 7-сонли ДМТТ биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					110,750			110,750	Объект						Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, "Қаторғол" МФЙ ҳудудидagi 7-сонли ДМТТ биносини реконструкция қилиш	
24	Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, "Қаторғол" МФЙ ҳудудидagi 289-сонли ДМТТ биносини муҳимлаш таъмирлаш	2022й	Объект					43,750			43,750	Объект						Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, "Қаторғол" МФЙ ҳудудидagi 289-сонли ДМТТ биносини муҳимлаш таъмирлаш	

№	Объектлар номи ва шаҳри	Қўрилуш бошланиш ва қўрилуш тугаллиги йили	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмалар, бонна, шарафатлар, бонна, шарафатлар.	01.01.22 й. ҳолатига ишдан йилга ўтучи объектнинг қиймати (сўраб олиш) жумладан, буюртмалар, бонна, шарафатлар.	01.01.22 й. ҳолатига ишдан йилга ўтучи объектнинг қиймати (сўраб олиш) жумладан, буюртмалар, бонна, шарафатлар.	2022 йил учун капитал қўйилmalar лойиҳа				2022 йилда фойдаланишга топширилган				01.01.23 й. ҳолатига ишдан йилга ўтучи объектнинг қиймати (сўраб олиш) жумладан, буюртмалар, бонна, шарафатлар.	Экспертиза ҳисоботи бўйича бизнес-репортажи ва шартнома	Тендер (шартнома) лойиҳасига бўйича бизнес-репортажи ва шартнома	Ташкилот номи		
						Жами капитал қўйилmalar	Қўрилуш - монтаж ишлари	Жисос	Иш жумладан	Қўрилуш - монтаж ишлари	Асосий фонд суммаси	Қўрилуш - монтаж ишлари	Объект						
1		3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
34	Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, "Рақатбоши" МФЙ ҳудудидagi 18-сонли болалар мусола ва сайнот мактаби бизнесини жорий таъмирлаш	2022й	Объект					19,500			19,500		Объект						Тендер
35	Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, "Ҳамид Сулаймонов" МФЙ ҳудудидagi 25-сонли махсус мактаб бизнесини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					148,000			148,000		Объект						Тендер
36	Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, "Ҳамид Сулаймонов" МФЙ ҳудудидagi 118-сонли мактаб бизнесини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					300,000			300,000		Объект						Тендер
37	Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, "Ҳамид Сулаймонов" МФЙ ҳудудидagi 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ярашган "Кашарот" сулаҳасини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					74,000			74,000		Объект						Тендер
38	Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, "Ҳамид Сулаймонов" МФЙ ҳудудидagi 160-сонли кутубхона-адабиёт маркази умумтаълим мактаби бизнесини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					320,000			320,000		Объект						Тендер
39	Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, "Рақатбоши" МФЙ ҳудудидagi 57-сонли оилавий поликлиника бизнесини жорий таъмирлаш	2022й	Объект					76,000			76,000		Объект						Тендер
40	Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, "Рақатбоши" МФЙ ҳудудидagi санитария-гигиена-эпидемиология ва жамнат саломатлиги хизмати Яқкасарой тумани бўлигини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					388,000			388,000		Объект						Тендер
41	Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, "Жарбози" МФЙ ҳудудидagi 5-сонли оилавий поликлиника бизнесини қуриш	2022й	Объект					117,500			117,500		Объект						Тендер
42	Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, "Ибрагим" МФЙ ҳудудидagi 36-сонли мактабнинг янги бизнесини қуриш	2022й	Объект					509,259			509,259		Объект						Тендер

№	Объектлар номи ва халқиди	Қуралми болашиш ва фойдаланишга топширилган йили	Лойиҳа қилати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, бўғимнинг, бўғимнинг, бўғимнинг	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молялаштири ш қолгани жумладан, бўғимнинг, бўғимнинг	2022 йил учун қилгил қўйилмалар даражаси					2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молялаштири ш қолгани жумладан, бўғимнинг, бўғимнинг	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молялаштири ш қолгани жумладан, бўғимнинг, бўғимнинг	Текшер (тасдиқлар) иттиҳосига бўғим баённома рақами ва санади	Ташкилот номи			
						Жами қилгил қўйилмалар	Қуралми - молялаштири ш қолгани	Жилоз	Бўғимнинг бошқа харажатлари	Жами	Жумладан, саклаш харажатлари	Қилгил қўйилмалар					Асосий фонд суммаси		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
43	Тошкент шаҳар, Яншебод тумани, "ЖарБилим" МФЙ Қуралми 120 Урғини МТТ йилга янги бизнесини қурши	2022й	Объект					145,647					Объект						Текшер



"Қирғилди"
 Президентлар қасмидаги
 "Ўзбекистон Республикасидаги
 Малия вазирлиги қўйилмалари" ИК
 рақами: 10/2022
 2022 й.



Л.Н.Исмагуллаев
 2022 й.

(Handwritten signature)